



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 12 декабрь, № 265 (8045)

Якшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТАРАҚҚИЁТГА ИЛМ-ФАН ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.



Шавкат Мирзиёев дастлаб тумандаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари паркинни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари мазкур замонавий мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда тамал тоши қўйган эди. Бу галги таширда бунёдкорлик ишларининг бориши кўздан кечирилди.

Бугунги кунда 20-25 қаватли 6 та офис биноси қад кўтарган. Конференция зали қурилиши якуний босқичга кирган.

Бу ерда жами 17 та иморат барпо этилади. Технологик паркида IT-шариклотлар, университет, конференция зали, коворкинг маркази ўзaro узвий фаолият олиб боради. Мажмуа ҳудудидида хизмат уйлари, меҳмонхона, кафе ва ресторанлар, дўконлар, спорт майдони, дам олиш жойлари ҳам бўлади. Ер остида 3 қаватли автотураргоҳ қурилади.

Президентимизга ушбу объектларда бўладиган шароитлар, соҳадаги натижалар ҳақида маълумот берилди. Замонавий шароитлар яратилиб, етук мутахассислар тайёрланаётгани самарасида сўнги беш йилда ахборот технологиялари соҳасида экспорт ҳажми 50 баробардан зиёд ўсгани қайд этилди.

— Ҳозирги замонда ҳизматларнинг катта қисми ахборот технологиялари орқали кўрсатиляпти. Бошқа соҳаларнинг ҳам самарадорлиги шунга боғлиқ. Шунинг учун бу ердаги шароитларни кенгайтириб, замонавий IT-хабга айлантириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги қўйи ташкилотларни шу ерга кўчириб, банк ва IT-компанияларни жалб этиб, технопарки яхлит комплекс тарзида ривожлантириш, соҳа вакиллари учун қўлай муҳит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда IT соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар ва тадбиркорлар билан суҳбатлашди, шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллар раислари ҳамда туман ҳокимининг маҳаллада тад-

биркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари билан мулоқот қилди.

Президентимиз 2020 йил 31 январь куни Геология фанлари университети қурилишига тамал тоши қўйган, геологик тадқиқотлар иқтисодийнинг ҳамма соҳалари учун кераклиги, ташхиссиз беморни операция қилиш имконсиз бўлгани каби геологиясиз саноатни ривожлантириб бўлмамлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Сўнги йилларда геология соҳасига катта маблағлар ажратилиб, энг илгор технологиялар олиб келинди. Ерости бойликларнинг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди. Уларни қазиб, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар ҳам зарур.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети ташкил этилган эди.

Президентимиз 2020 йил 31 январь куни Геология фанлари университети қурилишига тамал тоши қўйган, геологик тадқиқотлар иқтисодийнинг ҳамма соҳалари учун кераклиги, ташхиссиз беморни операция қилиш имконсиз бўлгани каби геологиясиз саноатни ривожлантириб бўлмамлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Сўнги йилларда геология соҳасига катта маблағлар ажратилиб, энг илгор технологиялар олиб келинди. Ерости бойликларнинг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди. Уларни қазиб, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар ҳам зарур.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети ташкил этилган эди.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети ташкил этилган эди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли ватандошлар! Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Бугунги кутлуг айём — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан сизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборақбод этаман.

Саховатли заминимизда гўзал ҳосил байрами нишонланаётган шу файзли дамларда янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, қадок қўли ва фидойи қалби билан элимизнинг ризқ-насибасини яратаятган, ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пиллакорлар, сувчилар ва ирригаторлар, агроном ва механизаторлар, агрокластерларнинг раҳбарлари ва ишчи-ҳодимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, соҳанинг жонқуяр олимлари ҳамда мутахассисларига самимий миннатдорлик билдирарман.

Азиз дўстлар! Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислохотларимиз тизимида салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, мамлакатимизда қўлай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жозибдорликни ошириш, соҳани саноатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Ўз навбатида, омилкор деҳқон ва фермерларимиз энг сўнги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан соҳа тараққиёти учун азму шижоат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хаймамизга аёнки, деҳқончилик Ер юзидagi энг шарафли, айни вақтда машаққатли касблардан биридир. Юртимиз қишлоқ хўжалик соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳимиз.

Авалло, дунё микёсида давом этаётган пандемия таъсири, қолаверса, баҳорда ёнгарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислиги деҳқонларимизнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Лекин мавжуд муаммоларга қарамаздан, барча тармоқларда мўл ҳосил этиштириб, аввалги йилларга нисбатан юқори марраларга эришганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таъсин айтсак, арзийди.

Бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани

йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, галланинг ҳар гектаридан 95-100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги "Сотволдиев Хошимжон", Бувайда туманидаги "Исломжон Шуқурулло", Оҳангарон туманидаги "Нажмиддин Фахриддин Файз", Дўстлик туманидаги "Фарҳод", Ромитан туманидаги "Кўҳна Бухоро", Қарши туманидаги "Мўл ҳосил сифат", Риштон туманидаги "Моҳинур файзли гавҳари", Қумқўрган туманидаги "Паданг", Эллиққалъа туманидаги "Сахтиён Азамати", Тўрақўрган туманидаги "Шоҳида бургут" каби фермер хўжалиқларининг номларини мамнуният билан эътироф этаман.

Аграр соҳанинг яна бир муҳим тармоғи — пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий мавсумда ўтган йилдагига нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хом ашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошгани, айниқса, эътиборлидир.

Бундай улкан хирмонни яратишга салмоқли ҳисса қўшган Қумқўрган туманидаги "Термиз Жайхун", Дўстлик туманидаги "Санзор-текстиль", Зафаробод туманидаги "Жиззах кентекс", Боеўт туманидаги "Боеўт текстиль кластер", Қорақўл туманидаги "Қорақўл кумуш калава", Ўққўрган туманидаги "Бухоро агро кластер", Тўрақўрган туманидаги "Наманган тўқимачи кластер", Пахтачи туманидаги "Пахтачи кластер", Оққўрган туманидаги "Оққўрган агро кластер", Янгиерик туманидаги "Янгиерик текс", Богот туманидаги "Коботекс" каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрган туманидаги "Хушбоб", Шароф Рашидов туманидаги "Норқозок ота", Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангиберди ота", Кўронтепа туманидаги "Савай кўржи", Пешку туманидаги "Варахшо нулли замини", Беруний туманидаги "Раҳматулла Чаман" фермер хўжалиқлари ҳаммага намуна бўлганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Кадрли юртдошлар! Бугунги кунли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янгилаш, инновациялар ва илгор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацияларни технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб

бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари асосланган, бошқаруving мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламоқда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг қаноатли даромад манбаига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва галланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиғи айнан ана шундай корхоналар улушига тўри келмоқда.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировадидида четга хом ашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандлиқни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Натижада биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 бараварга ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиши туфайли ип-калава ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортиди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Ер қадрини билдиган, унинг ҳар қаричидан тунумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонларимиз, шунингдек, мева-сабзавот, шол, доривор гиёҳлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани гоятда аҳамиятлидир.

Хўрматли соҳа вакиллари! Сизларга маълумки, сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, обдордан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг иқобий натижаларини бермоқда. Хусусан, биргина 2021 йилнинг ўзида 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга туширилиб, 11 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларида кўркам ва қўлай бўлган савдо, логистика

марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда. Хорижий мамлакатлар бозорларига янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди.

Бу ўринда экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дуккакли маҳсулотлар 122 фоизга, узум маҳсулотлари 142 фоизга, сабзавотлар 103 фоизга ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 баробарга ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари диққатимиз марказида бўлиши лозим. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда, соҳада кенг қўламли ислохотларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга кўпайтириш, экспортбop маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, агросаноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимига ўтиш келгусида ўзининг иқобий самарасини кўрсатади, албатта.

Олдимизда турган бундай маъсулятли вазифаларни бажаришда барчангиз елкама-елка туриб, бир тану бир жон бўлиб, бор малака ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва салохиятингизни сафарбар этишингизга ишонман.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим! Мир Алишер Навоий ҳазратларининг бобдеҳқонларни улуғлаб, улар ерга уруф сочиб, эл-юрт учун ризқ йўлини очадилар, деб айтган сўзларида теран ҳаётини маъно борлигини ҳаммамиз яши биламиз.

Сизларни ушбу файзли ва шуқуҳли айём билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сўхат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Кириб келаётган янги — 2022 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин!

Халқимиз, элимиз дастурхонидан тўкин-сочилик ҳеч қачон аримасин! Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, танги ва бағрикенг, яратувчан ва она заминни севиб ардоқлайдиган азизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Декабрь ойининг иккинчи якшанбаси — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ СОҲА

Қишлоқ хўжалиги нафақат иқтисодиётимиз таянч соҳаларидан бири, балки фаровон ҳаётимиз қафолати ҳамдир. Бинобарин, соҳадаги ҳар бир ўзгариш турмушимизда акс этиши айни ҳақиқат. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳада илгари кузатилмаган янгиликларга қўл урилайётгани, деҳқону фермерларга, тармоқ корхоналарига эркин ишлашлари учун қўлай имкониятлар яратилаётгани бежиз эмас.

Барчамизга аёнки, ислохот қозғоғида қўлиб кетмасида ислохот ҳисобланади. Эътиборга молик жиҳати, юртимизда қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар аллақачон ўз самарасини кўрсатиб бўлган. Бундан бундан кунда дастурхонимиз файзли бўлишини таъминлаётган, захматқаш деҳқонлар, фермерлар, кластер ходимлари, чорвадору пиллакорлар, агроному механизаторлар — умуман соҳа вакиллари эришаётган марралардан англаш қийин эмас. Эеро, жорий йилда ҳам қўлга киритилган ютуқлар залварли, йиғиб-териб олинган ҳосил чўғи ҳар қанчадан баланд бўлди. Яъни бу йил республикамиз қишлоқ хўжалигиде 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт ва 11 миллион тоннадан зиёд сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинди. Аслида деҳқончиликда осон йилнинг ўзи бўлмайди, дейишди. Чиндан-да шундай. Чунки

# ТАРАҚҚИЁТГА ИЛМ-ФАН ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари янги университетда яратилган шaroитларни кўздан кечирди.

— Геология иқтисодиётга сув ва ҳаводек зарур. Охириги йилларда илмий мактабларни тиклаб, кадрлар тайёрлашга эътибор қаратяпмиз, энг илгор илмий методикаларни жорий этиб, лаборатория ускуналарини ўрнатиб, замонавий шaroитларни яратяпмиз. Энди натижага ишлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хозирги кунда университетда бакалаврият бўйича 7 та ва магистратура бўйича 6 та йўналишда умумий 700 нафардан ортиқ талаба тахсил олмақда. Бу йўналиш ва мутахассисликларни соҳа эҳтиёжига қараб кенгайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 5 йиллик тажрибага эга, геология соҳасида

ишлаб келаётган ходимлар учун таълимнинг сиртки шакли ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда талабалар, профессор ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида ўқув биноси, ётоқхона ҳамда 2 та илмий институт, кутубхона, лаборатория ва геология музейи бинолари қурилди.

Иккинчи босқичда 7 қаватли лаборатория, 5 қаватли Давлат геология кўмитаси маъмурий биноси, 7 қаватли геология фонди ва Ўзбек геология қидирув биноси ҳамда спорт комплекси қурилади.

Президентимиз қурилишни сифатли яқунлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Университет таркибида Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеоло-

гия ва муҳандислик геологияси институти, Нефть-газ конлари геологияси ва қидирув институти, Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Геоинновацион технологиялар маркази ҳамда Давлат геология музейи фаолият юритади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бўлди.

Бу муассаса 1976 йилда қурилган бўлиб, 1 минг 178 ўринга мўлжалланган. Лекин бугунги кунда ўқувчилар сони бунга нисбатан кўп. Бино ва жиҳозлар ҳам эскирган.

Давлатимиз раҳбари синфхоналар, спорт зали ва ошхонани кўздан кечирди. Мактаб учун янги бино қуриш, ёшларга ҳунар ўргатиш, амалиёт дарсларини корхоналарда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Ҳамма жойда замонавий корхоналар очилапти, инвестиция лойиҳалари амалга ошириляпти. Уларни юритадиган салоҳиятли кадрлар керак бизга. Шунинг учун ҳам муаллим ва мактабларга, таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Салоҳиятли кадрлар рақобатни пайдо қилади. Кадрдаки рақобат бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

Мулоқотда тиббиёт ва мактаб таълимининг ривожлантиришга қаратилган устувор эътибор, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг мазмун-моҳияти, улар вақт ўтган, пастдаги муаммоларни ўз бошидан ўтказган, салоҳиятли кадрга айланиши, шу орқали катта кадрлар захираси шакллантирилиши ҳақида сўз борди.

Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги 7-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди.

Мазкур муассаса сўнгги бор 1991 йилда капитал, сўнгги эса жорий таъмирланган. Унинг қуввати 250 катновга мўлжалланган бўлиб, ҳудуддаги 8 та маҳаллада яшовчи 41 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ёрдамчи бўлимлардан физиотерапия, функционал диагностика, эндоскопия, марказий клиник лаборатория, рентген, ультратовуш диагностикаси ҳамда кундузги шифохона фаолияти йўлга қўйилган.

Хозиргача ҳудуддаги аҳолининг 93 фоизи тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 5 минг 518 нафар фуқаро учун соғломлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари поликлиникаи замонавий тарзда капитал

таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама қўлайлик яратиш бўйича топшириқлар берди. Мавжуд диагностика ускуналари маънан эскирганлиги сабабли янгиларига алмаштириш лозимлиги таъкидланди.

— Амбулатор ва стационар тиббий хизматни ўзида жамлаган янги тажрибани амалиётга жорий қилиш керак. Оилавий поликлиникаларга бириктирилган аҳолига сифатли ва арзон хизмат кўрсатиш тизимига ўтиш орқали ҳудуддаги шифохоналар билан соғлом рақобат муҳитини шакллантириш лозим, — деди Президент.

Шу ерда Мирзо Улуғбек туманидаги тиббиёт муассасалари фаолияти ҳақида маълумот берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**ЎЗА мухбирлари.**

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

# МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Шу йил 15 декабрь куни бошлангандан Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлисида бир қатор қонун ва масалалар муҳокамаси режалаштирилган. Улар айни кунларда парламент юқори палатаси кўмиталари йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилапти.

### Ўсиш суръатлари таъминланяпти

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклини таъминлаш масалалари кўмитаси йиғилишида сенаторлар, кўмита экспертлари, мутахассиди вазирилари ва идоралар вакиллари, Ёшлар парламент аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш жараёнида ялпи мажлис муҳокамага киритилган бир қатор масалалар қатнашчилар томонидан ҳар тарафлама кўриб чиқилди. Чинсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида”ги, “Ёшлар билан ишлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245<sup>а</sup> моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунлар ана шулар жумласидандир.

Қолаверса, тадбир қатнашчилари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидagi ижроси бўйича ахбороти ҳам чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Эътироф қилинганидек, жорий йил январь — сентябрь ойларида мамлакат иқтисодиёти 6,9 фоизга ўсган ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Ташки савдо айланмаси эса 28 млрд. 200 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган

йилнинг мос давридаги нисбатан 2,5 фоизга ошган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 116 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 107 трлн. сўм прогноз 108,4 фоизга ёки 9 трлн. сўмга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 21 трлн. 600 млрд. сўмга ортиқ бажарилган.

Тадбирда Давлат бюджети ижроси жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам таҳлил қилинди.

### Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш лозим

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси йиғилишида дастлаб Давлат бюджетининг 2021 йил 9 ойидagi ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ахбороти таҳлилга тортилди.

Таъкидланганича, бюджет ижросининг таъминлишида асосий эътибор иқтисодий барқарорлики сақлаш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қабул қилинган Президент Фармон ва қарорларидagi вазифалар ижросига қаратилган.

Келтирилганидек, вақтида мувофиқлаштирилган фискал ва пул-кредит чоралари

туфайли ҳисобот даврида республика иқтисодиёти 6,9 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 519,8 трлн. сўмни ташкил этган.

Муҳокамада кўмита аъзолари томонидан қатор муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, бюджет маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланишда бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомати ва асосий харажатлар давом этмоқда. Олиб борилган қатор назорат тадбирлари натижасида аниқланган молиявий хато ва камчиликлар жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 2,7 мартага ошган. Шундан келиб чиқиб, сенаторлар бу ҳолатни қатъий назоратга олиш ва бартафоз этиш чораларини кўриш зарурлигини таъкидлашди.

Ўз навбатида, бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш мақсадида вазирилари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан расмий веб-сайтларда бюджет маблағлари харажатлари, бюджет очиклигини таъминлаш юзасидан тегишли маълумотларни жойлаштириш зарурлиги ҳам айтилди.

Шунингдек, тадбирда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Кўмита йиғилишида суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ишро бюросига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Кайд этилишича, кўмита аъзолари томонидан Мажбурий ижро бюроси томонидан тақдим этилган маълумот ҳудудлар кесимида ўрганиб чиқилган. Шу жараёнда муайян ишлар амалга оширилгани аниқланган. Масалан, МИБ томонидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога йўналтирилган.

Йиғилишда парламент сўровида кўтарилган айрим масалалар юзасидан қўшимча чоралар кўриш лозимлиги ҳам таъкидланди. Жумладан, парламент сўровида кўрсатилган МИБ органларида давлат ижрочилари томонидан бажариладиган иш ҳажми ҳамда бажаришга сарфланадиган вақт меъёрлари қайта кўриб чиқилиши, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 80-моддасида белгиланган нормалар, яъни ундирувлар навбатини дастлаб жисмоний шахслар фойдасига қаратиш билан боғлиқ нормага ўзгартириш киритиш зарурлиги алоҳида кўрсатилди.

Тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан биргаликда ишсиз алимент тўловчилар бандлигини таъминлаш борасида электрон платформа тизимини яратиш, алимент қардорлигини тўламаган қардорлар билан боғлиқ ижро ҳужжатларини республика миқёсида доимий таҳлил қилиб бориш ва натижалари юзасидан тегишли чоралар кўриш лозимлиги ҳам ўқтирилди.

Йиғилишларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан парламент юқори палатаси кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

## Сенат кўмитасида

# АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗНИ ИСЛОҲОТЛАРГА МОСЛАШТИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўлаган табригиндан келиб чиқадиган вазифалар кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, табрикда Бош қомусимиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда кадр-қимматини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор долзарб вазифалар илгари сурилган бўлиб, бу Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси билан уйғундир.

Чиндан ҳам, ислохотларга мос равишда янада мустақам қонунчилик базасини яратиш

буғунги куннинг талаби. Шу маънода, Асосий Қонунимизни жамиятдаги реал воқеликка ва ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Тараққиёт стратегияси учун мустақам ҳуқуқий асос яратиш сенаторларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, мажлисда кўмита аъзолари, экспертлар ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги ҳудудий

комиссиялар аъзоларининг асосий вазифалари ҳам белгилаб олинди. Жумладан, сенаторлар ўзлари сайланган округларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, давлатимиз раҳбари ташаббусининг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириши, жойларда нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, фан намояндалари, оддий фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш талаб этилади.

Йиғилишда Мазмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш жараёни, жиноят ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқиш ва ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашлар ролини оширишга қўмақлаштириш ҳам кўмита аъзоларининг муҳим вазифалари сирасига кириши айтиб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ МАСЪУЛИЯТИ ВА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

Авал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан жамият тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, тегишли вазирилари ҳамда идоралар мутахассидларининг парламент сўровига жавоблари ва бошқа масалалар ўрин олди.

### Ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари кучайтирилади

Йиғилишда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкаси ва унда жойлашган қўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

Қонун лойиҳасида ер участкаларининг компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мулк ҳуқуқининг устуворлиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, олиб қўйилган ер участкасидан мақсадли фойдаланиш, қонунийлик, очиклик ва шаффоқлик, компенсациянинг қарорлангани каби принциплар асосида амалга оширилиши белгиланди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солиниши ва низоли вазиятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг депутатлар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### 170 минг гектардан ортиқ майдоннинг сув таъминоти яхшиланди

“Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига сув ҳўжалиги вазири Ш. Ҳамроевнинг жавоби кўриб чиқилди.

Жавобда келтирилишича, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан 2021 йилда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича танлаб олинган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланган. Унга асосан, 170 минг гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилган.

Концепция доирасида сув тежайдиган сўғориш технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида технологиялар татбиқ қилинган майдонларга субсидиялар ажратиш механизми яратилган. Натижада 2019-2020 йилларда жами 85,5 минг гектар, шундан 77,5 минг гектар майдонда томчиллатиб сўғориш, 2021 йилнинг ўзида 188,7 минг гектар майдонда томчиллатиб сўғориш, 10 минг гектар майдонда ёмғирлатиб сўғориш технологиялари жорий қилиниши ҳисобига технологиялар ҳажми 2,2 баробарга оширилган. Шу билан бирга, мавсумда 40 — 50 фоизгача сув ресурслари, минерал ўғитлар ва бошқа ресурслар тежайиб, ҳосилдорлик 15 — 30 центнергача ортишига эришилди. Сув ҳўжалиги объектларига 4 минг 977 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди.

Мажлисда парламент сўровига вазирининг жавоби депутатлар томонидан маълумот учун қабул қилинди.

### Ёшлар технопаркларини ташкил этиш талабга жавоб берадими?

Мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Соҳани ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда инновацион технологик парклар фаолиятининг асосий йўналишлари, ёшларнинг техник ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларни касб-ҳунарга йўналтиришга қўмақлаштириш белгилаб берилди.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан жорий йилда “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг

резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмининг ошириш, шунингдек, 720 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, еттига замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш ва бошқа устувор масалаларни амалга ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб “Академик ҳаракатчанлик” дастурини жорий қилиш вазифалари белгиланган.

Бундан ташқари, Ёшлар академияси аъзолари фаолият юритиши учун қўлай шaroитлар яратиш ва уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили “стартап” ва ташаббускор лойиҳалар танловини ўтказиш, Ёшлар академияси аъзоларини нуфузли хорижий илмий марказ ва таъкилотларга мақсадли ҳамда тизимли равишда илмий стажировкаларга юборишни ташкил этиш белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси мажлисида Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмоновга “Ёшлар технопаркларини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қандай ишлар амалга ошириляпти?

Мажлисда “Мамлакатимизда аҳолининг сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги Б. Юсуфалиевнинг жавоби атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент сўровига келган жавобда кайд этилганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини меъёларга доирасида Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан 2017 — 2021 йилларда 21 та санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативлари ишлаб чиқиб тасдиқланди.

Санитария-эпидемиология хизматининг аккреди-

тациядан ўтган 28 та органи томонидан 2021 йилнинг 9 ойида 47 289 та, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига 20 334 та (шундан импорт маҳсулотлар 15 925 та) санитария-эпидемиологик ҳулосалар расмийлаштириб берилди.

Шу билан бирга, санитария-эпидемиология хизмати ва унинг тизимидаги 26 та орган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига уланди.

Таъкидланганидек, таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тизимларини тартибга солиш ҳамда тақомиллаштириш мақсадида республиканинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги мактабгача таълим ташкилотларида йил давомида ўртача суткалик болалар рациониди бўлиши тавсия этилган 24 та озиқ-овқат маҳсулотларининг мажмуиди ўрганилди. Натижада районда 13 озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича камомад борлиги аниқланди ва уларни тўлдириш бўйича тавсиялар берилди.

Мажлисда парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

### Мораторий амал қилиш муддати йил якунига қадар узайтирилди

Шунингдек, “Мамлакатимизда “яшил майдонлар”ни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси ўринбосари Ж. Казбеков жавоби кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига мувофиқ, давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиш муддати жорий йил 31 декабригача узайтирилди.

Кўмита томонидан ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо турларининг кесилишига жорий этилган мораторийга қатъий риоя этилиши устидан экологик назорат кучайтирилиши натижасида мораторий даврида 6 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар томонидан 417,4 минг тулга яқин давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахт ва буталарни кесилга рухсат сўраб мурожаат қилинган бўлса, шундан, 210,5 минг тулдан ортиқ Шарқ чинори, эман, қрим қарагайи, чинорсимон заранг, элдор қарагайи, каштан, шумтол, турангил ҳамда бошқа 20 турдан ортиқ қимматбаҳо дарахт ва буталарнинг кесилиши рад этилди ва сақлаб қолинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**





# ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ СОҲА

Зеро, мамлакатимизда 2017 йилдан бунён декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни сифатида нишонлиб келинаётган ва сана муносабати билан ҳар йили Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллагани.

Бу йил ҳам давлатимиз раҳбари табригида соҳа вакиллари меҳнатини

новацияларнинг қўлланилиши, кластер тизимининг афзаллиги, экин-тикин, йиғим-терим — агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, қолаверса, жонкуяр инсонлар, ўз ишининг ҳақиқий усталари меҳнати тўғрисида мана шундай юқори натижаларга эришилди. Ҳалланг хар гектаридан ҳатто 95 — 100 центнергача, пахтадан эса аввалги йиллардагига нисбатан ўртача 6,3 центнер кўп ҳосил олинган.

даромадни ошириш, соҳада ресурслар тежамкор технологияларни қўллаш каби ишларни янада жадаллаштиришда. Умуман, қишлоқ хўжалигининг истиқболлини белгилаб берувчи ушбу стратегиядаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида 7 та Қонун, 86 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эътиборга молик. Жумладан, 2021 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент

ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида "2021 — 2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизimini устувор ривожлантириш концепцияси" ҳамда вазирлик ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ташкил этилиб, унинг ташкилий ҳамда бошқарув аппарати тузилмалари тасдиқланди.

Юқори Чирчиқ туманида Агротехнологиялар маркази ва Ўзбекистон — Венгрия Картошқачилик илмий маркази очилди. Марказда "ягона дарча" тамойили асосида 17 та йўналишда 100 дан ортиқ



45 дан кўп хизматлар ташкил этилди.

Бугунги кунда марказ ҳудудда турли навларни синаш учун тажриба синав майдончалари ташкил этилиб, юқори авлодли оригинал уруғликларни дастлабки кўпайтириш ва турли йўналишларда тажрибалар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги хусусида гап кетганда, кластерлар фаолияти алоҳида қайд этилади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Негаки, қишлоқ хўжалигида янги даврни бошлаб берган кластер усулидан кўзланган асосий мақсад, аввало, ерлар, хусусан, суғориладиган экин майдонларининг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш, қолаверса, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини бой, ҳудудларни обод қилиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишидир.

Айни пайтда юртимизда фаолият юритаётган пахта ва галланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 40 фоизидан ортиғи айнан кластер тизими асосида етиштирилётганининг ўзиёқ ушбу тузилма не-

чоғли фойдали эканлигини кўрсатмоқда.

Кластер тизими жорий этилиши натижасида фермер ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг даромади сезиларли даражада ошди. Биргина шу йилнинг ўзида 10 та янги мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилиб, уларнинг сони 146 тага, майдони эса 116,8 минг гектарга етказилди. Бундай юқори натижаларни галланичилик, мева-сабзавотчилик, шолчилик, чорвачилик соҳаларида ташкил этилган кластерларда ҳам кўришимиз мумкин.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги инновацион ишланма ва голяр майдони, инвесторлар учун қулай шaroитли ҳудуд, рақамли технологияларни жорий этиш платформаси, қишлоқ аҳли даромад кўрайдиган ер, озик-овқат хавфсизлигини таъминловчи муҳим манбага эга ўзгаришлар соҳага айланган улғурди. Соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар эса иқтисодиётимиз раванқи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВО  
(«Халқ сўзи»)



этироф қилиб, улар ҳар қанча эъзозга, рағбатга муносиб эканлигини таъкидлади.

Жорий йилда фермерларимиз, кластерларимиз томонидан 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта ҳосили етиштирилди. Мутахассисларнинг айтишича, агар сувни тежайдиган технологиялар жалаллик билан жорий этилганда ва суғориладиган ерларнинг 20 фоизига етказилмаганда аномал иссиқ кузатишган бу йилги шароитда экинлар сувсизликдан қийналиб, ҳосилдорлик пасайиб кетиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари катта зарар кўриши мумкин эди. Соҳада илғор ин-

ни, айниқса, диққатга сазовор. Жорий йилда пахта йиғим-терим мавсумини ушшоққлик билан ташкил этиб, ҳосилни қисқа муддатларда териб олиш мақсадида 22,4 мингга терим отрядлари ташкил этилди, 2 миллион 146 минг теримчи, 1 минг 100 дан ортиқ пахта териш машиналари жалб қилинди.

Хар бир соҳа раванқи ҳуқуқий асосга боғлиқ. Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт географиясини кенгайтириш,

**“Кластер тизими жорий этилиши натижасида фермер ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг даромади сезиларли даражада ошди. Биргина шу йилнинг ўзида 10 та янги мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилиб, уларнинг сони 146 тага, майдони эса 116,8 минг гектарга етказилди.”**

қарори билан қишлоқ хўжалигида жорий йилда амалга оширилаётган асосий йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ

хизматлар, шунингдек, хусусий сектор — йирик агрокомпаниялар томонидан 18 та йўналишда янги технологияларни жорий этиш бўйича агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди, 15 дан зиёд халқаро экспертлар жалб этилди. Шу билан бирга, 5 та лабораторияда (ўсимликларни ҳимоя қилиш, агроқимё ва тупроқ таҳлили, озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ветеринария ва уруғчилик лабораториялари)

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини, қолаверса, ўз меҳнати машаққати ва масъулиятини бошқалардан кўра, соҳа вакиллари ахшироқ билади, ҳис қилади. Шу боис байрам арафасида мамлакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқимиз дастурхонини фаровон қилишдек олижаноб мақсад йўлида ҳаёт синонларидега тобланган, фидойи ва жонкуяр қишлоқ хўжалиги ходимларидан айримларининг фикрларини ёзиб олдик.



## МЕҲНАТДАН РОҲАТ ТОПДИМ

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходими бўлиш аёл киши учун осон эмас. Мен иш фаолиятимни ҳамшираликдан бошлаганман. Олий таълим муассасасида педагогика йўналишида таълим олиб, болалар богчасида мудира вазифасида ишладим. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги институтида ҳам таъсил олдим.

Жорий йилда самарқандлик фермерлар ва кластер корхоналари 75,3 минг гектар майдондан 244 минг тонна пахта хом ашёси тайёрлади. Бу — яхши натижа. Эътиборлиси, етиштирилган ҳосилни териб олиш учун аввалги вақтлардан уч баравар кам — 130,5 минг теримчи жалб этилди.

Кейинги йилларда фермерларга яратилаётган имкониятлар билан бир қаторда юзага келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо бу масалалар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топомоқда. Масалан, мен раҳбарлик қилаётган "Меҳнат — роҳат" фермер хўжалигидаги ер майдонларида сув танқис-

лиги олиндиғани ҳосилга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу йил об-ҳавонинг иссиқ келиши ва сув танқислиги кўсакларнинг куйишига сабаб бўлди. Аммо вазиятдан чиқиб кетиш, кўзланган ҳосилни олиш мақсадида 20 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйдик. Бу жуда қулай ва фойдали усул экан — сув, ўғит, ёқилғи, ишчи кучи ҳамда вақт тежаллади. Асосийси, уйда ўтириб, қўл телефони орқали пахта даласини суғоришимиз мумкинлиги шу пайтгача етти улаб тушимизга кирмаганди.

...Сабр, матонат, шижоат, келажакка бўлган ишонч мени бир зум тарк этгани йўқ. Минг бир қийинчиликларни меҳнат билан енгиб ўтиб, фермер хўжалигимизнинг "Меҳнат — роҳат" деб номлангани бежиз эмаслигини ҳам исботладик.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 14 йил ишлаб, Ватанимиз мустақиллигининг 7 йиллик

байрами арафасида юксак давлат мукофоти — "Меҳнат шукрати" орденига сазовор бўлдим. 2014 йилда эса "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. 2017 йилда илк бор декабрь ойининг иккинчи яшанбаси "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" деб эълон қилинди. Ва шу байрамда Президентимиз менга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" унвонини топширди. Бундай эътибордан бошим кўкка етди.

Ҳозир ёшим етмишда. Энди бўлди, ишламайман, дам оламан, деб турган пайтда Президентимиз жорий йилда яна бир юксак мукофот — "Эл-юрт хўрмати" орденига муносиб қўрди. Бу меннинг кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди ва умримнинг охиригача шу юрт раванқиға ҳисса қўшишга аҳд қилдим.

**Зайнаб ХАЙДАРОВА,**  
Нарпай туманидаги  
«Меҳнат — роҳат» фермер  
хўжалиги раҳбари.

## «ЯНГИ АСР»НИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Наслчилик фермер хўжалигимизга 2014 йилда асос солганмиз. Бунга қадар ўзимизнинг жайдари қорамолларни парвариш қилиб, даромаду буюрмадими ҳам шунга яраша эди.

Уша йили хориддан 400 бош насли қорамол олиб келдим. Бироқ сутни қайта ишлайдиган цехимиз бўлмаганлиги сабабли, қўшни вилоятдаги тадбиркорларга топширардик. Сут тез бузиладиган маҳсулот, ўзимиз етказиб берсак-да, хариддорнинг қошу қовоғига қарашга мажбур эдик. Қолаверса, чорвада маҳсулот чуқур қайта ишланмас экан фойда ва зарар учун бўлиб қолверди.

2017 йилда Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи доирасидаги инвестиция лойиҳалари тақдиротида сутни қайта ишлаш заводини қуриш лойиҳамизни маъқуллади. Мазкур лойиҳа асосида яна 600 бош насли қорамол олиб

келиб, чорвачилик йўналишини янада кенгайтирдик. Бугун хўжалигимизда 1,5 минг бош қорамол, жумладан, минг бош соғин сигир мавжуд. Улар асосан, Германия, Дания ва Эстониядан келтирилган.

Германия, Россия, Туркия, Италия давлатлари технологиялари билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш корхонамизини ҳам ишга туширдик. Унда сут-касига 30 тонна атрофида сут қайта ишланиб, 40 номдаги сут маҳсулотлари "Sofin" савдо белгиси остида эл дастурхонига етказиб берилмоқда. Қайта ишлаш самарадорлигини бирикки рақамда ифодалайдиган бўлсам, 2018 йилда хўжалигимизда рентабеллик 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 47,5 фоизга қадар ўсди.

Чорвада мустақам озуқа базасига эга бўлиш мақсадида Маликчўл



Ҳосил — ПАЙДОБ — олинган суратлар.

ҳудудидан 300 гектар ер ўзлаштириб, озуқабоб бугдой ва арпа эканмиз. Экин майдонлари АҚШ технологияси асосида юз фоиз ёмғирлатиб суғорилади.

Сидқидилдан қилинган меҳнатларимиз юзага чиқиб, бу, давлатимиз раҳбари томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. 2019 йилда мамлакатимиз Президенти Фармони асосида "Дўстлик" ордени билан тақ-

дирландим. Жорий йилда эса "Ташаббус — 2021" қурик-танловининг республика босқичи голиби сифатида Президент совғаси "Нексия-3" автомашинаси топширилди. Албатта, ушбу рағбатлар 500 кишилик жамоамизни янги-янги марралар сари руҳлантиради.

**Жобир ТЕМИРОВ,**  
«Янги аср» наслчилик фермер  
хўжалиги раҳбари.

## СУВ САРФИ ТЕНГ ЯРИМГА ҚИСҚАРДИ

Томчилатиб, қолаверса, суғоришнинг бошқа сув тежамкор технологиялари жорий этилаётгани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири, десак, асло муболага бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридега таъкидланганидек, сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш са-

марадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда.

Тежамкор суғориш усуллари эса аллақачон ўз самарасини бераётган. Масалан, вилоятимизда юқоридега келтирилган қарор ижроси доирасида 8 минг 384 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси йўлга қўйилиши натижасида бир йилда 20 миллион 960 минг метр куб сув тежалди. Бу аънанавий усулда шунча майдонни суғориш учун зарур бўладиган сув сарфи икки баравар қисқарди, дегани. Айни чоғда, томчилатиб суғоришга ўтилган даладарда экинга ишлов бериш уч баравар камайди. Яъни ўртача

6 марта ўрнига 2 марта култивация билан ҳосил етиштирилди. Шунингдек, минерал ўғитлар сарфи ҳам қисқарди. Боз устига суғориш жараёни узоқ давом этмайдиган бўлди.

Жорий йилда вилоятимизда жами 18 минг 87 гектар майдонда тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Яъни 17 минг 937 гектарда томчилатиб, 50 гектарда ёмғирлатиб ва 100 гектарда дискрет суғоришга ўтилади.

Янги суғориш технологияларни ўрнатиш ва ташкил қилиш учун фермер ва кластерларга ҳар жиҳатдан

қулай имконият ҳамда шароитлар яратилган. Зарур ускуналарни харид қилиш учун 125 та фермер хўжалиги ва 17 та кластер билан 142 та шартнома тузилди. Бунинг учун эса 254 миллиард сўм кредит маблағи молиялаштирилган. Айни пайтда 302 та фермер ва тадбиркорлик субъектларига қарашли 10 минг 703 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш жараёни кетяпти.

Сирдарёлик деҳқонлар сув тежамкор ва юқори самарали суғориш технологиялари пировард натижа — ҳосилдорлигини оширишда ҳам муҳим омил эканлигини амалда исботлади.

**Мамарасул ДЎСТМУРОВО,**  
«Ўзгориш инспекция»нинг  
Сирдарё вилояти  
бошқармаси қишлоқ  
хўжалиги мўлжалланган  
сув ресурсларидан  
фойдаланишни назорат  
қилиш бўлими катта  
инспектори.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг озқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.45 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6